

Кимёвий маҳсулотлар хавфсизлиги тўғрисида ТЕХНИК РЕГЛАМЕНТ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Техник регламент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқароларнинг ҳаётини ёки соғлиғини муҳофаза қилиш, атроф-муҳитни, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини асраш, харидорларни (истеъмолчиларни) қўлқўтадиган ҳаракатларнинг олдини олиш, савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш, ички ва ташқи бозор рақобатбардошлигини ошириш мақсадида муомалага чиқарилаётган кимёвий маҳсулотларга қўйиладиган хавфсизлик талабларини белгилайди.

2. Техник регламентнинг талаблари мазкур Техник регламентга 1-иловада келтирилган Техник регламент талаблари қўлланиладиган мажбурий тартибда мувофиқлиги баҳоланадиган кимёвий маҳсулотлар рўйхатига нисбатан қўлланилади.

3. Мазкур Техник регламент қуйидагиларга татбиқ этилмайди:

тадқиқот учун мўлжалланган ва / ёки тажриба-конструкторлик ривожланиш натижалари бўлган кимёвий маҳсулотлар;

жойлашишига қараб фойдали қазилмалар, шунингдек улар кимёвий жиҳатдан ўзгартирилмаган бўлса, қуйидаги маҳсулотлар: минераллар, рудалар, рудали концентратлар, цемент клинкери, табиий газ, суюлтирилган газ, газ конденсати, технологик газ ва унинг таркибий қисмлари, нефть газы, кўмир, кокс; дори воситалари ва ветеринария дори воситалари;

парфюмерия ва косметика маҳсулотлари;

ионлаштирувчи нурланиш манбаи бўлган кимёвий маҳсулотлар;

озик-овқат маҳсулотлари, шу жумладан озиқ-овқатга биологик фаол қўшимчалар, шунингдек ҳайвонлар учун тайёр озуқалар;

кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқарилиши натижасида ҳосил бўладиган чиқиндилар, агар улар йўқ қилинадиган (қайта исланадиган) бўлса;

республика ҳудудидан ўтувчи божхона транзити процедурасида қўлланиладиган кимёвий маҳсулотлар.

4. Агар маҳсулот таркибида ёниш ва портлаш хавфи юқори бўлган кимёвий моддалар мавжуд бўлса ушбу кимёвий маҳсулотлар Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 7 мартдаги 121-сон қарори билан тасдиқланган «Ёниш ва портлаш хавфи юқори бўлган кимёвий моддаларни (маҳсулотларни) сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш ва уларни йўқ қилиш соҳасидаги фаолиятни назорат қилиш тартиби тўғрисида»ги низом талабларига риоя этилади.

5. Мазкур Техник регламентда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

асосий кимёвий модда – кимёвий маҳсулотнинг асосий қисмини ташкил қиладиган ва шунинг учун кимёвий маҳсулотнинг номи ва унинг батафсил идентификацияси сифатида ишлатиладиган кимёвий маҳсулотнинг қўшимча ёки аралашма бўлмаган таркибий қисми;

аспирация – суюқ ёки қаттиқ кимёвий маҳсулотларнинг трахея ва пастки нафас йўллариغا бевосита оғиз ёки бурун бўшлиғи орқали ёки билвосита қусиш орқали кириб бориши оқибатида кимёвий пневмония сингари ўпка тўқималарининг турли даражадаги шикастланиши ёки аспирация туфайли ўлим каби оғир оқибатларга олиб келиши;

биоаккумуляция – кимёвий моддаларнинг тирик организмларда асл нусхадан юқори концентрацияда тўпланиш қобилияти;

ёнувчан кимёвий маҳсулотлар (ёнувчи суюқлик ёки ёнувчи қаттиқ модда ёки ёнувчи газ) – ёниш нуктаси 93°C дан ошмайдиган суюқлик; ишқаланиш натижасида алангаланиши, ёнғин ёки ёнишга сабаб бўлиши мумкин бўлган қаттиқ ҳолатдаги маҳсулотлар; 20°C ҳароратда ва 101,3 kPa нормал босимда олов тарқалишининг концентрациявий чегараларига эга бўлган газсимон кимёвий маҳсулотлар;

импорт қилувчи – маҳсулот етказиб берувчи хорижий ишлаб чиқарувчи (сотувчи) билан ташқи савдо битимини тузиб, ушбу маҳсулотни республика ҳудудида муомалага чиқарадиган ва унинг техник регламент талабларига мувофиқлиги учун жавобгар бўлган, қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган юридик ёки жисмоний шахс;

истеъмолчи (харидор) – якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган юридик ёки жисмоний шахс, шунингдек, кимё маҳсулотларини харид қилиш ниятида бўлган жисмоний шахс;

ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили – ишлаб чиқарувчи (хорижий ишлаб чиқарувчи) билан тузилган шартнома асосида маҳсулотнинг мувофиқлигини баҳолаш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага киритишда унинг номидан ҳаракатларни амалга оширадиган тадбиркорлик субъекти;

канцероген – хавфли ўсмаларнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи ёки пайдо бўлишини тезлаштирувчи кимёвий маҳсулотлар;

кимёвий маҳсулот – кимёвий модда ёки моддалар аралашмаси;

кимёвий моддалар – ёниш ва портлаш хавфи юқори бўлган кимёвий моддалар (маҳсулотлар) рўйхатига киритилган ҳамда ўзига хос хоссалари ва хусусиятлари туфайли муайян омиллар мавжуд бўлган тақдирда бошқа объектларнинг ёниши ёки портлашига шунингдек, одамлар ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарар етказилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган моддалар, материаллар, буюмлар ва чиқиндилар;

кимёвий моддаларнинг абиотик парчаланиши – атмосфера, тупроқ ва сув юзасида содир бўладиган кимёвий боғланишларни йўқ қилиш

ва кимёвий моддаларнинг деградиацияси жараёни (фотолиз, гидролиз, оксидланиш жараёнлари);

кимёвий моддаларнинг биотик парчаланиши — тирик табиатнинг таркибий қисмлари — микроорганизмлар, бактериялар ва замбуруғлар таъсирида кимёвий моддаларни йўқ қилиш жараёни (гидролиз, оксидланиш, молекулалар тузилмалари бўлиниш жараёнлари);

миграция — кимёвий элементларнинг макон ва вақтдаги ҳаракати, уларнинг концентрацияси ёки тарқалишига олиб келадиган жараён;

моддалар аралашмаси (аралаш кимёвий маҳсулотлар) — бир-бири билан кимёвий реакцияга киришмайдиган икки ёки ундан ортиқ кимёвий моддалар аралашмаси ёки эритмаси;

мутаген — таъсири тирик ҳужайралар ва/ёки тирик организмлар популяцияларида мутация ҳолатлари сонининг кўпайишига олиб келадиган кимёвий маҳсулот;

мутация — ҳужайрадаги генетик материал миқдори ёки тузилишининг қайта тикланмас ўзгариши;

оксидловчи кимёвий маҳсулотлар — алангаланишни таъминлайдиган ва жадаллаштирадиган, экзотермик оксидланиш-қайтарилиш реакцияси натижасида бошқа моддаларнинг алангаланишига олиб келадиган ёки бундай алангани юзага келтирадиган кимёвий маҳсулотлар. Оксидловчи кимёвий моддаларнинг ўзи ёнувчанлик хусусиятга эга бўлиши шарт эмас;

органик пероксидлар — икки валентли тузилишига эга бўлган суяқ ёки қаттиқ ҳолатдаги органик моддаларни ўз ичига олган ва водород пероксидининг ҳосилалари деб ҳисобланиши мумкин бўлган кимёвий маҳсулотлар, унда бир ёки иккала водород атоми органик радикаллар билан алмаштирилади;

периферик кимёвий маҳсулотлар — ҳаво билан 5 дақиқа ўзаро таъсир қилиш чоғида оловланиб кетиши мумкин бўлган (ҳатто оз миқдорларда) кимёвий маҳсулотлар;

персистент — кимёвий моддаларнинг атроф-муҳит ёки унинг алоҳида объектлари: тупроқ, атмосфера, гидросфера, ўсимликлар, тўқималар ва бошқаларда узок вақт давомида ўз хусусиятларини сақлаб қолиш қобилияти;

портловчи кимёвий маҳсулотлар — атрофдаги объектларга зарар етказадиган даражадаги тезликда, ҳарорат ва босимдаги газлар ажралиши билан ўз-ўзидан кимёвий реакцияга киришишга қодир қаттиқ ёки суяқ агрегат ҳолатидаги кимёвий маҳсулотлар;

сенсбилизацияловчи таъсир — аллергия реакцияга сабаб бўладиган кимёвий маҳсулотларнинг таъсирига тананинг сезгирлигини ошириш;

сиқилган, суюлтирилган ва босим остида эритилган газлар — камида 280 кРа босим остидаги баллонда 20°C ҳароратда газсимон шаклда ёки совитилган суяқлик шаклида жойлаштирилган кимёвий маҳсулотлар (бу

турдаги маҳсулотларга сиқилган, суюлтирилган, совитилган суюлтирилган ва босим остида эритилган газлар киради);

сурункали токсиклик — такрорий ва/ёки узоқ муддатли таъсир қилиш натижасида тирик организмнинг касаллиги ва (ёки) ўлимига олиб келадиган токсиклик тури;

танланган токсиклик — кимёвий маҳсулотнинг бир мартталиқ/такрорий ёки узоқ муддатли таъсир қилиш натижасида бошқа органлар ва/ёки тизимларга таъсир қилмасдан маълум бир органларга/мақсадларга ва (ёки) биологик тизимларга токсик таъсир кўрсатиш қобилияти;

тасниф — кимёвий маҳсулотнинг хавфлилик мезонлари бўйича маълум бир хавф синфига (кичик синфига, турига) мувофиқлигини аниқлаш;

токсиклик — кимёвий маҳсулотларнинг но механик тарзда таъсир кўрсатиши натижасида одамлар ва жониворлар соғлиғига ёки атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатади ёки ўлимга олиб келиш қобилияти;

хавфсизлик паспорти — кимёвий маҳсулотлари (моддалар, аралашмалар, материаллар, саноат чиқиндилари) учун норматив ҳужжатларнинг мажбурий таркибий қисми бўлган ва истеъмолчига кимёвий маҳсулотлардан фойдаланиш, уларни сақлаш, ташиш ва йўқ қилиш хавфсизлиги тўғрисида ҳамда инсон ҳаёти ва соғлиғи, мулк ва атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлаш учун ишончли маълумот беришга мўлжалланган ишлаб чиқарувчи ташкилот томонидан (ишлаб чиқиладиган) бериладиган ва белгиланган қонунчилик талаблари асосида тегишли ваколатли давлат ташкилоти томонидан ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳужжат;

хавфлилик белгиси — фуқароларни бевосита ёки потенциал хавф ҳақида огоҳлантириш, муайян ҳаракатларни тақиқлаш, кўрсатма бериш ёки рухсат бериш учун мўлжалланган контраст ранглар, график белгилар ва тушунтириш ёзувларидан фойдаланган ҳолда ифодаланган маълум бир геометрик шаклнинг рангли тасвири;

хавфлилик мезонлари — кимёвий маҳсулотлар ҳолатининг инсонлар, ҳайвонлар, атроф-муҳит ва мулкка нисбатан хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳисобланадиган миқдорий ҳамда (ёки) сифат кийматлари асосида хавфли таъсир тури ва даражасининг баҳоланиши;

янги кимёвий маҳсулотлар — янги кимёвий модда бўлган ёки янги кимёвий моддаларни ўз ичига олган кимёвий маҳсулотлар;

ўткир токсиклик — кимёвий маҳсулотнинг хусусияти бўлиб, бу модданинг ошқозонга киритилиши ёки терида бир мартталиқ дозани қўллаш ёки 24 соат ичида моддага такрорий таъсир қилиш ёки 4 соат ичида нафас олаётган ҳаво билан таъсир қилишдан кейин юзага келадиган салбий оқибатларнинг пайдо бўлиши билан тавсифланади;

ўз-ўзини иситадиган кимёвий маҳсулотлар — ташқи энергия таъминотисиз ҳаво билан аралашганда, ўз-ўзини иситиш қобилиятига эга

бўлган суяқ ёки қаттиқ агрегат ҳолатидаги кимёвий маҳсулотлар (периферик кимёвий маҳсулотлардан ташқари) (ўз-ўзини иситадиган кимёвий маҳсулотлар перифериклардан фарқ қилади, чунки улар фақат кўп миқдорда (килограмм) ва узоқ вақтдан кейин (соат, кун) алангаланади);

ўз-ўзидан парчаланадиган кимёвий маҳсулотлар – ҳаво билан аралашмасдан ҳам кучли экзотермик парчаланишга қодир бўлган термал беқарор кимёвий маҳсулотлар (буларга портловчи маҳсулотлар, органик пероксидлар ва оксидловчи кимёвий маҳсулотлар кирмайди).

CAS (Chemical Abstracts Service) – Америка кимё жамиятининг кимёвий маълумотлар реестрига киритилган кимёвий модданинг идентификация рақами;

ЕС (European Community) – Европа ҳамжамияти реестрига киритилган кимёвий модданинг идентификация рақами;

IUPAC (International Union of Pure and Applied Chemistry) номенклатураси – Халқаро назарий ва амалий кимё иттифоқи номенклатураси;

2-боб. Кимёвий маҳсулотларни бозорда муомалага киритиш қоидалари

6. Ушбу Техник регламентнинг талабларига жавоб берадиган ва мазкур Техник регламентнинг 9-бобида белгиланган тартибда мувофиқликни баҳолашдан ўтган кимёвий маҳсулотлар миллий мувофиқлик белгиси билан тамғаланади ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин муомалага чиқарилади.

7. Мувофиқлик сертификатига эга бўлган кимёвий маҳсулотни ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили), сотувчи ёки импорт қилувчи мувофиқлик белгисини ушбу техник регламентда белгиланган талабларга мувофиқ қўллашга ҳақли.

8. Мажбурий сертификатланиши лозим бўлган кимёвий маҳсулотларни, агар улар ушбу Техник регламентда белгиланган талабларга мувофиқ мувофиқликни баҳолаш тартибидан ўтмаган бўлса, мувофиқлик белгиси билан тамғалашга йўл қўйилмайди.

9. Кимёвий маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага киритиш қўйидаги ҳолларда тўхтатилади:

ёниш ва портлаш хавфи юқори бўлган кимёвий моддалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 7 мартдаги 121-сон қарори билан тасдиқланган «Ёниш ва портлаш хавфи юқори бўлган кимёвий моддаларни (маҳсулотларни) сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш ва уларни йўқ қилиш соҳасидаги фаолиятни назорат қилиш тартиби тўғрисида»ги низом талабларига риоя этилмаганда;

кимёвий маҳсулотлар учун янги хавфсизлик талаблари ўрнатилганда.

3-боб. Кимёвий маҳсулотларни идентификация қилиш қоидалари

10. Кимёвий маҳсулотларни идентификация қилиш ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили), импорт қилувчи, давлат назорати органи ҳамда бошқа манфаатдор шахслар томонидан амалга оширилади.

11. Кимёвий маҳсулотларни идентификациялашга қуйидагилар киради:

а) кимёвий маҳсулотлар номини белгилаш;

б) кимёвий маҳсулотларни кимёвий моддалар ёки аралашмалар деб таснифлаш;

в) IUPAC номенклатурасига мувофиқ кимёвий модданинг номи ҳамда (мавжуд бўлса) CAS ва EC рақамини белгилаш;

г) аралашманинг кимёвий таркибини IUPAC номенклатураси ва CAS рақами (мавжуд бўлса) бўйича таркибига киритилган идентификация қилинадиган компонентларнинг ҳар бири учун ном белгилаш билан аниқлаш;

д) маҳсулот таркибидаги кимёвий моддаларни таснифлаш:

янги кимёвий моддаларга (концентрацияси 0,1% дан ортиқ (масс.));

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунчиликда белгиланган талаблар асосида қўлланилиши чекланган кимёвий моддаларга ажратиш;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасининг назорати остида бўлган ишлаб чиқарилиши хавфли кимёвий моддаларга;

е) халқаро миқёсдаги барча хавф-хатарларни максимал тарзда ҳисобга олиш;

ж) кимёвий маҳсулотларнинг қўлланилиш соҳасини аниқлаш;

з) инсонлар соғлиғига, ҳайвонларга, ўсимликларга ва атроф муҳитга таъсирини аниқлаш;

12. Кимёвий модданинг кимёвий таркибини аниқлашда қуйидагиларни идентификациялаш керак:

асосий кимёвий модда;

қўшимчалар ва аралашмалар таркибидаги хавфли кимёвий моддалар, агар улар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда кўрсатилган концентрация қийматларидан ортиқ юқори миқдорда бўлса.

13. Аралашманинг кимёвий таркибини аниқлашда қуйидагиларни идентификациялаш керак:

10 % дан ортиқ концентрацияларда мавжуд бўлган кимёвий моддалар;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда кўрсатилган концентрация қийматларидан ошадиган миқдорда мавжуд бўлган хавфли кимёвий моддалар.

14. Кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар (ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили), импорт қилувчилар уларни идентификация

килиш учун Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг товар номенклатурасидаги товарлар рўйхати мавжуд бўлган кимёвий моддалар ва аралашмалар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланадилар.

4-боб. Кимёвий маҳсулотларни таснифлашга қўйилган талаблар

15. Кимёвий маҳсулотларни таснифлаш ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили) ва импорт қилувчилар томонидан амалга оширилади.

Кимёвий маҳсулотларни таснифлаш техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

16. Кимёвий маҳсулотларни хавфли хусусиятлари бўйича таснифлаш унинг таркибига кирадиган кимёвий моддаларни ёки умуман аралашмаларни синаш натижасида олинган маълумотлар асосида амалга оширилади. Таркибида аралашмалар бўлган кимёвий маҳсулотлар учун таснифлаш натижалари ҳисоблаш усуллари ёрдамида олиниши мумкин.

17. Кимёвий маҳсулотлар физик-кимёвий хоссаларига кўра қуйидагиларга бўлинади:

портловчи кимёвий маҳсулотлар;

босим остида сиқилган, суюлтирилган ва эриган газлар;

ёнувчан газлар, шу жумладан кимёвий жиҳатдан беқарор;

аэрозолли идишлардаги ёнувчан кимёвий маҳсулотлар;

ёнувчан (ўт оловчи) суюқликлар бўлган кимёвий маҳсулотлар;

ёнувчан қаттиқ моддалар бўлган кимёвий маҳсулотлар;

ўз-ўзидан парчаланувчи (ўз-ўзидан реактив) кимёвий маҳсулотлар;

периферик кимёвий маҳсулотлар;

ўз-ўзидан қизувчи кимёвий маҳсулотлар (периферик кимёвий маҳсулотлар бундан мустасно);

сув таъсир этганда ёнувчан газлар чиқарадиган кимёвий маҳсулотлар;

оксидловчи кимёвий маҳсулотлар;

органик пероксидлар;

металларнинг коррозиясига олиб келадиган кимёвий маҳсулотлар.

18. Инсон организмни ва ҳайвонлар учун хавф туғдирадиган кимёвий маҳсулотлар:

организмга ўткир токсик таъсирга эга;

емирилиш (некроз) ва терининг тирнаш хусусиятини келтириб чиқарадиган;

кўзларга жиддий шикаст етказишни (қичишиш) келтириб чиқарадиган;

сенсбилизацияловчи таъсирга эга;

мутагенлар;

канцерогенлар;

репродуктив функцияга таъсир кўрсатадиган;

бир марталик таъсир қилиш билан алоҳида органлар (мақсадли органлар) ва / ёки организм тизимлари учун танланган токсик таъсирга эга бўлиши;

такрорий/узоқ муддатли таъсир қилиш билан мақсадли органлар ва/ёки тизимларга танланган токсик таъсирга эга;

аспирация пайтида хавфни келтириб чиқарадиган;

эндокрин тизимни бузувчилар моддалар каби бирикмаларнинг хавфлилик даражасига мос келадиган хавф, улар учун уларнинг инсон ва ҳайвонлар саломатлигига жиддий таъсири ҳақида илмий асосланган далиллар мавжуд.

19. Атроф-муҳит учун хавф туғдирадиган кимёвий маҳсулотлар:

озон қатламини бузувчи;

сув муҳити учун ўткир ва хроник токсик бўлган;

тупроқ организмларига токсик бўлган;

биоаккумуляция қобилиятига эга;

парчаланиш ва трансформация жараёнларига чидамли (персистентлар);

тупроқ учун токсикликга эга;

парчаланадиган (биотик ва абиотик парчаланиш) – органик кимёвий моддаларга қўлланилади;

миграция қобилиятига эга бўлиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг озуқавий қийматига таъсир қилади.

20. Таркибида озон қатламини емирадиган кимёвий моддалар рўйхатидан камида битта моддани ўз ичига олган кимёвий маҳсулотлар – озон қатламини емирадиган маҳсулотлар деб таснифланади. Озон қатламини емирувчи моддалар турларининг рўйхати Ўзбекистон Республикасининг бундай кимёвий маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига импорт ва экспорт қилинишини тартибга солиш соҳасидаги халқаро шартномаларида белгиланади.

21. Кимёвий маҳсулотларни таснифлаш мақсадида синаш ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили), импорт қилувчи томонидан ўрнатилган қонунчилик талаблари асосида танлаган, аккредитациядан ўтган ва Миллий аккредитация тизими реестрига киритилган синов лабораторияларида (марказларда) амалга оширилади.

22. Кимёвий маҳсулотлар хавфининг белгиланган синфи (синф ости, тури) ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили), импорт қилувчи томонидан ушбу маҳсулотларнинг хавфсизлик паспортида кўрсатилади.

23. Кимёвий маҳсулотларни қайта таснифлаш уларнинг таркиби ўзгарганда ва бундай ўзгариш маҳсулотнинг таркибидаги кимёвий моддаларнинг концентрациясини уларнинг дастлабки концентрациясига нисбатан ушбу Техник регламентга 2-иловага мувофиқ Кимёвий маҳсулотлар таркибидаги хавфли кимёвий моддалар миқдорининг рухсат этилган оғиш меъёрларидан ошиб кетмаган ҳолда амалга оширилади.

5-боб. Кимёвий маҳсулотларга қўйиладиган хавфсизлик талаблари

1-§. Умумий хавфсизлик талаблари

24. Кимёвий маҳсулотлар таркиби ушбу Техник регламентга 3-иловага мувофиқ Кимёвий моддаларни қўллашда чекланган кимёвий маҳсулот таркибидаги чегаравий миқдоридан ошиб кетмаслиги керак.

25. Кимёвий маҳсулотлар билан ишлаш хавфсизлиги қўйидагилар орқали таъминланиши керак:

кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили), импорт қилувчи томонидан ушбу Техник регламент талабларига риоя қилиниши;

истеъмолчи (харидор) кимёвий маҳсулотлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиши (қўллаши);

кимёвий маҳсулотларнинг ушбу Техник регламент талабларига мувофиқлиги баҳоланиши;

ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили), импорт қилувчи ва истеъмолчи (харидор) томонидан кимёвий маҳсулотлар муомаласи тегишли рискларни ва уларни олдини олувчи ёки камайтирувчи чораларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши;

кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқаришда учун хомашё сифатида ишлатиладиган кимёвий моддаларни хавфлилик синфи паст бўлган ёки хавфли деб таснифланмаган кимёвий моддалар билан алмаштирилиши (имкон даражасида);

истеъмолчини (харидор) кимёвий маҳсулотларнинг инсон ҳаёти ва соғлиғига, мол-мулкига, атроф-муҳитга, ҳайвонларга ва ўсимликларга нисбатан хавфли хусусиятлари, шунингдек, кимёвий маҳсулотлардан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида хавфсиз фойдаланиш чоралари тўғрисида, шу жумладан, яроқлилик муддати тугаган тақдирда ёки фойдаланишга яроқсизлиги тўғрисида хабардор қилиниши;

истеъмолчига (харидор) кимёвий маҳсулотлардан фойдаланиш ва уларни зарур ҳолларда хавфсиз йўқ қилиш ёки нейтраллаш усуллари тўғрисида маълумот берилиши.

2-§. Кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қўйиладиган талаблар

26. Кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқаришда қонунчилик ҳужжатларида ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган қоидаларга риоя этилишини таъминлаш қуйидагилар орқали амалга оширилади:

кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш, фойдаланиш (қўллаш), йўқ қилишда уларга таъсир қилувчи хавф-хатарлар аниқланган бўлиши, фаолиятга алоқадор ходимлар бундан хабардор қилиниши ва уларни олдини олиш ва / ёки йўқ қилиш бўйича чораларни кўриш;

Ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этувчи ходимлар соғлиғига таъсир кўрсатувчи хавф-хатарларни камайтириш ёки уларни бартараф қилган ҳолда белгиланган меҳнат қоидалари асосида меҳнатни ташкиллаштириш;

кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқарилишни лойиҳалаш, қуриш, сақлаш, ташиш, фойдаланиш (қўллаш) ва йўқ қилишда тегишли ҳужжатларнинг мавжудлиги (технологик регламентлар, ускуна ва қурилмалардан техник фойдаланиш қоидалари ва уларнинг паспортлари, лавозим ва ишчи йўриқномалар, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, авария ҳолатлари юз берганда уни бартараф қилиш режалари, биринчи ёрдам кўрсатиш қоидалари);

зарарли ва / ёки хавфли меҳнат шароитларида ишлайдиган ходимларга имтиёз ва кафолатларнинг тўғри берилганлиги, уларни ўз касби ва иш тури бўйича амалдаги қоидалар, меъёрлар ва йўриқномалар бўйича билимларини ошириб бориш, зарарли ёки хавфли меҳнат шароитлари билан боғлиқ оғир ишларда ишлайдиган ходимлар дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтказиш.

механизациялаш ва автоматлаштириш, зарарли ва / ёки хавфли ишлаб чиқариш омиллари мавжуд бўлганда ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларни автоматлаштириш ва бу орқали ишчилар томонидан бажариладиган назорат ва бошқарув функцияларини бошқаришда уларни иштирокини камайтириш;

ишлаб чиқаришларни хавфсиз олиб бориш ва аварияли тўхташларни олдини олиш учун ускуналарни блокировка ва аварияга қарши ҳимоянинг ишончли тизимларига эга замонавий автоматлаштирилган бошқарув тизимлари билан жиҳозлаш;

фойдаланиб бўлинган моддаларни технологик жараёнга қайтариш орқали технологияда ёпиқ циклдан фойдаланиш, яъни чиқиндисиз ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш;

ёнғин ўчириш воситалари ва тизимларини, ёнғин сигнализацияни (шу жумладан ёнғиндан огоҳлантириш тизимларини) мунтазам текшириш, даврий текширувдан ўтказиш;

зарарли ва / ёки хавфли ишлаб чиқариш омиллари манбаи бўлган ишлаб чиқариш чиқиндиларини ўз вақтида йўқ қилиш, тозалаш ва зарарсизлантириш юзасидан тегишли чораларни кўриш;

авария вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш усуллари ва воситаларининг мавжудлиги;

авария ҳолати юз берганда инсонларни хавфсиз эвакуация қилишни таъминлаш;

ходимларни самарали шахсий ва жамоавий ҳимоя воситалари билан таъминлаш;

санитария-эпидемиология, гигиена талаблари, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш, ёнғин хавфсизлиги ва портлаш хавфсизлиги талабларини бажариш.

3-§. Кимёвий маҳсулотларни сақлашга қўйиладиган хавфсизлик талаблари

27. Кимёвий маҳсулотларни сақлаш хавфсизлик паспорти ва кимёвий маҳсулотларни тамғалашда белгиланган мезонлар, меъёрлар ва сақлаш қоидаларига мувофиқ, шунингдек, кимёвий маҳсулотларни муомалага киритишда асос сифатида қўлланиладиган маълум турдаги кимёвий маҳсулотлар учун стандартларга ҳамда ушбу Техник регламент талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

28. Кимёвий маҳсулотларни хавфсиз сақлаш учун қуйидаги мезонларни ҳисобга олиш лозим:

хавфсизлик паспорти мавжудлигини;

хавфсизлик паспортида белгиланган талабларнинг бажарилишини;

кимёвий маҳсулотлар айрим турларининг бир нечтасини биргаликда сақлаш шароитига ўзаро мослиги ва алоҳида сақланишини;

сақланадиган кимёвий маҳсулотларнинг рухсат этилган миқдори чекланганлигини;

омборхона хавфсизлиги, жойлашган жойи ва улардан фойдаланиш имкониятини;

сақлаш контейнерларининг конструкцияси, хусусияти ва бутунлигини;

қадокдан ва қадок идишидан қайта фойдаланиш хавфсизлигини;

контейнерларни юклаш ва тушириш жараёнини механизациялаштиришни;

тамғалаш талабларига мувофиқлигини;

кимёвий маҳсулотларнинг ўз-ўзидан алангаланиши ва/ёки ўз-ўзидан парчаланиши, жумладан, хавфли маҳсулотлар ҳосил бўлишининг эҳтиёт чораларини;

кимёвий маҳсулотларнинг тўкилиши ёки сочилиш ҳолатларидаги эҳтиёт чораларини;

сақлаш шароитларидаги ҳарорат, намлик, шамоллатиш тизими ва ёруғликнинг меъёрий параметрларга мувофиқлигини;

кимёвий моддаларнинг сақлаш шароитида физикавий ва кимёвий хусусиятларининг ўзгаришини;

авария ҳолатлари юз берганда амалга ошириладиган тезкор чоралар мавжудлигини;

қандай шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш мумкинлиги ва фойдаланиш қоидаларини.

29. Кимёвий маҳсулотларни сақлаш ва уларни истеъмолчига ўз хусусиятларини йўқотмаган ҳолда етказишни таъминлаш учун уларни хавфли таъсирлардан ҳимоя қилувчи шароитларда ва қадоқларда қадоқлаш лозим.

4-§. Кимёвий маҳсулотларни ташишга қўйиладиган хавфсизлик талаблари

30. Кимёвий маҳсулотларни ташиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалдаги хавфли юкларни ташиш қоидаларига мувофиқ, кимёвий маҳсулотлар учун хавфсизлик паспортида белгиланган хавфсизлик талаблари, шунингдек, кимёвий маҳсулотларни муомалага киритишда асос сифатида қўлланиладиган маълум турдаги кимёвий маҳсулотлар учун тегишли стандартлар талабларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

31. Кимёвий маҳсулотларни ташишда қуйидаги хавфсизлик мезонларини ҳисобга олиш керак:

ташиладиган кимёвий маҳсулотнинг хавфсизлик паспортининг мавжудлигини;

ташиладиган кимёвий маҳсулотларнинг хоссалари ва миқдорини;

айрим кимёвий маҳсулотлар турларининг ташишга мувофиқлигини;

ташқи кўриниши, яхлитлиги, қадоқланиши, ташиш учун фойдаланиладиган контейнерлар, цистерналар, темир йўл вагонлари, шу жумладан қувурўтказгичларни ҳимоя қилинганлигини;

ташиш учун фойдаланиладиган транспорт воситасининг техник тавсифларини;

ҳаракат йўналишларини;

транспорт ходимларининг тайёргарлик даражаси ва малакасини;

ёрлиқларни тамғалашга қўйиладиган талабларни;

юклаш ва тушириш шартларини;

кимёвий маҳсулотларнинг ўз-ўзидан ёниши, алангаланиши ва/ёки ўз-ўзидан парчаланиши, портлаши шу жумладан, хавфли маҳсулотларнинг шаклланиши ҳолатларида қўлланиладиган эҳтиёт чораларини;

кимёвий моддаларнинг тўкилиши ёки сочилиши ҳолатларида ходимларнинг ҳаракат қилиш тартибини.

32. Маҳсулотларни огоҳлантириш белгилари билан таъминланган ва хавфсизлик паспортига эга бўлган ҳамда муайян турдаги кимёвий маҳсулот (модда)ни ташилишига мўлжалланган сиғимда ташишга (шу жумладан, транзитга) рухсат этилади.

33. Ташиладиган кимёвий маҳсулотларнинг хавфлилиги кўрсаткичлари ва мезонлари унинг физик-кимёвий хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланиши керак.

Хавфли юк сифатида таснифланиб ташиладиган кимёвий маҳсулотлар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ малака белгилари ва хавфлилик белгисига эга бўлиши керак.

34. Кимёвий маҳсулотларни ташиш учун ортиш-тушириш жойлари мавжуд бўлган қуйиш ва тўкиш қурилмасига эга, иситиш, шамоллатиш ёки совитиш мосламаси (айрим турдаги маҳсулотлар учун) билан жиҳозланган, тўкиш (сифон) қувурларига эга бўлган, темир йўл ва автомобиль цистерналаридан фойдаланилади.

Цистернани тўлиқ сиғимидан фойдаланган ҳолда тўлдириш ҳажмини ҳисоблаш учун йўналиш давомида юзага келиши мумкин бўлган ҳарорат фарқи натижасида маҳсулот ҳажмининг кенгайиши ҳисобга олинган тарзда амалга оширилиши керак.

Ҳар бир цистернага тегишли ёзувлар ва трафаретлар маълум бир транспорт турига тааллуқли бўлган юк ташиш қоидаларига мувофиқ ўчмайдиган бўёқда ёзилиши лозим.

35. Заҳарли, ёнувчан, портловчи ва бошқа ўта хавфли моддаларни ташиш учун мўлжалланган қувурлар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ танитадиган рангига эга бўлиши керак.

36. Кимёвий маҳсулотлар билан тўлдирилган цилиндр ва бочкалар муайян транспорт турига тааллуқли амалдаги хавфли юкларни ташиш қоидаларига мувофиқ ёпиқ транспорт воситаларида темир йўл ва автомобиль йўллари орқали ташилиши керак.

37. Кимёвий маҳсулотларни ташиш, имкон қадар, катта аҳоли пунктларини айланиб ўтиб энг қисқа йўналиш орқали, минимал тўхташ ва йўлдаги кечикишлар сони олди олинган ҳолда амалга оширилиши керак.

38. Хавфли юкларни ташиш, қабул қилиш ва ортиш қўшни давлатларнинг меъёрий ҳужжатлари ва / ёки келишувларга мувофиқ равишда амалга оширилади.

5-§. Кимёвий маҳсулотлардан фойдаланиш (қўллаш) учун хавфсизлик талаблари

39. Кимёвий маҳсулотлардан истеъмолчилар (харидорлар) кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчидан хавфсизлик паспортини талаб қилиши шарт.

40. Кимёвий маҳсулотлардан фойдаланганда унинг таркибига кирадиган кимёвий моддаларнинг потенциал хавфи, физик, кимёвий ва психофизиологик хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларига таъсир қилиш эҳтимоли, уларнинг йиғиндиси ва кучайтирувчи таъсири ҳисобга олиниши керак. Кимёвий маҳсулотлардан фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган хавфли

ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари даражаси стандартлар ва санитария меъёрларида келтирилган рухсат этилган қийматлардан ошмаслиги керак.

41. Кимёвий маҳсулотлар уларни тамғалашда ва/ёки кимёвий маҳсулотларнинг хавфсизлик паспортида кўрсатилган эҳтиёт чораларига мувофиқ ишлатилиши (қўлланилиши) керак.

42. Кимёвий маҳсулотларни саноатда ва ишлаб чиқариш шароитида қўллаш ва улардан хавфсиз фойдаланиш қоидалари бўйича ўқитилган, зарур шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда кимёвий маҳсулотлар билан ишлашига рухсат берилган зарур малакага эга ходимлар томонидан амалга оширилиши керак.

6-§. Кимёвий маҳсулотларни йўқ қилишга қўйиладиган хавфсизлик талаблари

43. Кимёвий маҳсулотларни, шунингдек, улар қадокланган идишларни йўқ қилиш кимёвий маҳсулотларнинг хавфсизлик паспортида белгиланган меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ, муайян турдаги кимёвий маҳсулотга қўйилган стандартлар талабларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

44. Кимёвий моддалардан фойдаланувчилар томонидан омборда содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш (аварияни бартараф этиш режаси) бўйича уч йиллик ҳаракатлар режаси ишлаб чиқиладиган ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳудудий бошқармалари билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Аварияни бартараф этиш режаси хавфли ва заҳарли ишлаб чиқариш объектига мансуб бўлса ҳаракатлар режаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

45. Кимёвий маҳсулотни йўқ қилиш жараёнининг хавфсизлиги қуйидаги ҳимоя чораларига мажбурий риоя этилиши билан таъминланади:

кимёвий маҳсулотни йўқ қилиш хавфсизлигини таъминлайдиган технология ва ускуналарни, атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини минималлаштирадиган техника ва иш усуллари танлаш;

кимёвий маҳсулотни йўқ қилиш хавфсизлиги даражасини назорат қилувчи техник воситаларидан фойдаланиш ва уларга тўғри техник хизмат кўрсатиш;

ходимларни махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситалари билан таъминлаш;

авария вазиятларининг олдини олиш усуллари ишлаб чиқиш ва уларни бартараф қилиш учун зарур бўлган воситалар билан жиҳозлаш;

кимёвий маҳсулотларни йўқ қилиш учун махсус майдончалар, объектлар, иш жойларини жиҳозлаш ва уларга рухсатсиз киришни истисно қилиш.

6-боб. Кимёвий маҳсулотларни қадоқлаш ва тамғалашга қўйиладиган талаблар

1-§. Қадоқлашга қўйиладиган талаблар

46. Кимёвий маҳсулотларнинг қадоқлари тебраниш, зарбадан, ҳарорат, босим ёки намликнинг ўзгариши туфайли уларга солинган маҳсулотнинг тўкилиши ёки сочилишидан ҳимоя қилиши керак.

47. Қадоқлар ва қадоқларни ёпиш воситалари (тиқинлар, қопқоқлар) ишлаб чиқарилган материаллар (истеъмолчи ва транспорт) уларда қадоқланган маҳсулотлар таъсирига нисбатан пассив бўлиши керак ва ташқи омиллар таъсирида ўзгармаслиги ёки бошқа маҳсулотларни ҳосил қилиш учун кимёвий маҳсулотлар билан ўз-ўзидан ўзаро таъсир қилмаслиги керак.

48. Кимёвий маҳсулотларни ташишда маҳсулотларнинг истеъмолчи ва транспорт қадоқларининг, шунингдек, транспорт воситаларининг яхлитлигини, маҳкамлигини, мустаҳкамлигини сақлаш чоралари кўрилиши керак, бу ўз ўрнида кимёвий маҳсулотлардан эркин фойдаланишни истисно қилади.

49. Истеъмолчи қадоқлари ташиш пайтида маҳсулотларнинг транспорт қадоқларида ёрилиши, тешилиши ёки тўкилишининг олди олинадиган қилиб жойлаштирилиши керак.

Шиша, чинни ва керамикадан тайёрланган истеъмолчи қадоқларни ташиш пайтида орасига қўйиладиган қистирмали материалдан фойдаланган ҳолда транспорт қадоқларига жойлаштирилиши керак.

50. Кимёвий маҳсулотларни ташиш учун мўлжалланган транспорт қадоқлари тебраниш, зарба ва юкланишга, шу жумладан, транспорт воситалари ва/ёки омборлар орасидаги ҳаракат пайтида, шунингдек, бошқа ҳаракатлар пайтида бардош бера оладиган бўлиши керак. Қадоқлардаги маҳсулотларнинг тебранишлар натижасида, ҳарорат, намлик ёки босимнинг ўзгариши натижасида дастлабки миқдорининг камайишига йўл қўймаслик лозим.

Ўзаро реакцияга кириша оладиган икки ёки ундан ортиқ турдаги кимёвий маҳсулотларни битта транспорт қадоғига жойлаштириш мумкин эмас.

2-§. Тамғалашга қўйиладиган талаблар

51. Кимёвий маҳсулотларнинг тамғаси қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

а) уни идентификациялаш пайтида ўрнатилган кимёвий маҳсулот номи (кимёвий маҳсулот номига қўшимча равишда савдо (фирма) номи ҳам киритилиши мумкин);

б) ишлаб чиқарувчининг номи, жойлашган жойи (юрidik шахснинг манзили), шу жумладан, кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқарувчининг (ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакилининг) телефон рақами;

в) хавфли деб таснифланган ва кимёвий маҳсулотлар таркибига стандартларда белгиланган концентрация қийматларидан юқори бўлган миқдорда олиб кириладиган ва / ёки ишлаб чиқариладиган кимёвий моддалар ва аралашмаларнинг номи;

г) сақлаш шартлари ва ишлаб чиқарувчининг кафолат мажбуриятлари (яроқлилик муддати, сақлаш муддати ва бошқалар);

д) унга мувофиқ кимёвий маҳсулот ишлаб чиқарилган ҳужжатнинг белгиланиши (мавжуд бўлса);

е) кимёвий маҳсулотларнинг хавфлилик хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан, огоҳлантирувчи тамғалар;

ж) миллий мувофиқлик белгиси.

52. Тамғалашда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи қонунчилик меъёрларига ва маҳсулотларни давлат тилидаги маълумотлар билан тамғалаш тартибида белгилашга риоя қилиш керак.

Агар тегишли талаблар мавжуд бўлса, маҳсулотни тамғалаш маҳсулот сотиладиган давлатнинг давлат тилида амалга оширилиши мумкин.

53. Тамға аниқ ва ўқилиши осон, механик ва кимёвий моддаларнинг таъсирига, иқлим омилларига чидамли бўлиши ҳамда кимёвий маҳсулотлардан тўлиқ фойдаланилиб, йўқ қилиш (қайта ишлаш) пайтигача сақланиши керак.

54. Кимёвий маҳсулотларнинг тамғасида қўшимча маълумотлар бўлиши мумкин.

55. Кимёвий маҳсулотларнинг тамғаси тўғридан тўғри маҳсулотларнинг қадоқларига ёки унинг қадоғига бириктирилган этикеткага қўйилади.

56. Агар қадоқда тамғалаш учун жой етмаса, кимёвий маҳсулотларга ушбу Техник регламентнинг 51-бандида кўрсатилган маълумотлар тўлиқ киритилган ёрлиқ ёки унинг йўлланма ҳужжатларига қўшимча сифатида илова қилинади.

57. Кимёвий маҳсулотларнинг миллий мувофиқлик белгиси маҳсулотнинг ҳар бир бирлигига (истеъмолчи ва транспорт қадоғи, ёрлиғи ёки этикеткаси) ушбу кимёвий маҳсулотнинг бутун яроқлилик муддати давомида унинг аниқ ва аниқ тасвирини таъминлайдиган ҳар қандай усулда қўлланилади.

58. Огоҳлантириш тамғаси хавф белгиси, хавф ишораси, сигнал сўзи шаклида қўлланилади ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатга мувофиқ хавфнинг олдини олиш чоралари тавсифини ўз ичига олади. Огоҳлантирувчи тамғалар элементлари кимёвий маҳсулотлар тамғасида мавжуд бўлган бошқа маълумотлардан фарқланиши керак.

7-боб. Кимёвий маҳсулотлар хавфсизлик паспортига қўйилган талаблар

59. Республика ҳудудига кириб келаётган ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кимёвий моддаларни ишлаб чиқарувчи корхона ёки ташкилотлар томонидан кимёвий маҳсулотлар бозорга чиқарилгунга қадар хавфсизлик паспорти билан таъминланиши шарт.

60. Кимёвий маҳсулотларни етказиб бериш пайтида хавфсизлик паспорти кимёвий маҳсулотларнинг кузатув ҳужжатларига киритилиши керак.

61. Хавфсизлик паспортида кўрсатилиши керак бўлган маълумотларга қўйиладиган талаблар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатда келтирилган.

62. Корхона ёки ташкилот томонидан ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган кимёвий модданинг хавфсизлик паспортида қуйидаги маълумотлар акс этиши лозим:

кимёвий моддаларнинг идентификацияси ва уни ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчи ҳақидаги маълумотлар;

хавф(лар)нинг идентификацияси;

кимёвий таркиби (компонентлари ҳақида маълумот);

биринчи ёрдам кўрсатиш чоралари;

ёнғин ва портлаш хавфсизлигини таъминлаш чоралари ҳамда воситалари;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш;

кимёвий моддаларни сақлаш ва юклаш-туширишда хавфсизлик қоидалари;

назорат ўлчов асбоблари ва шахсий ҳимоя воситалари;

физик-кимёвий хоссалар;

барқарорлиги ва реакцияга киришувчанлиги;

заҳарлилик хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар;

атроф-муҳитга таъсири тўғрисидаги маълумотлар;

қолдиқ ва чиқиндиларни йўқ қилиш бўйича тавсиялар;

кимёвий моддани ташиш (ташилиши) тўғрисидаги маълумотлар;

миллий ва халқаро қонунчилик тўғрисидаги маълумотлар.

63. Хавфсизлик паспортининг амал қилиш муддати чекланмаган.

64. Хавфсизлик паспорти қуйидаги ҳолларда янгиланиши ва қайта нашр этилиши лозим:

кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчининг (ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакилининг) номи ва/ёки манзили ўзгарганда;

ушбу Техник регламентнинг 23-бандига мувофиқ кимёвий маҳсулотлар таркибидаги ўзгаришлар маҳсулотларни қайта таснифлашга олиб келганда;

маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини оширадиган қўшимча ёки янги маълумотлар олинганда.

65. Кимёвий маҳсулотлар истеъмолчилари (харидорлари) ва исталган манфаатдор рўйхатдан ўтган юридик шахслар ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар сифатидаги жисмоний шахслар, шунингдек, жисмоний шахсларнинг талабига кўра хавфсизлик паспортининг нусхаси уларга ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили), етказиб берувчи, импорт қилувчи ёки сотувчи томонидан бепул тақдим этилиши керак.

66. Хавфсизлик паспорти истеъмолчига давлат тилида тақдим этилади. Мазкур маълумот қўшимча равишда бошқа тилларда ҳам тақдим этилиши мумкин.

8-боб. Кимёвий маҳсулотларни техник регламент талабларига мувофиқлигини таъминлаш

67. Кимёвий маҳсулотларнинг ушбу Техник регламентга мувофиқлигини унинг талабларини бажариш билан таъминланади.

68. Кимёвий маҳсулотларни синаш усуллари стандартлар рўйхатига киритилган стандартларда, агар улар мавжуд бўлмаса, синаш ва ўлчаш қоидалари ва усуллари, шу жумладан, ушбу Техник регламент талабларини қўллаш ва бажариш ҳамда кимёвий маҳсулотларнинг мувофиқлигини баҳолашни амалга ошириш учун зарур бўлган намуна олиш қоидаларини ўз ичига олган стандартларда белгиланади.

9-боб. Кимёвий маҳсулотлар мувофиқлигини баҳолаш (тасдиқлаш)

69. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага киритилишидан олдин кимёвий маҳсулотларнинг мувофиқлиги баҳоланиши (тасдиқланиши) керак.

70. Кимёвий маҳсулотларни сертификатлаштириш белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган маҳсулотларни сертификатлаштириш органлари томонидан уларнинг аккредитация соҳаси доирасида амалга оширилади.

71. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган кимёвий маҳсулотларни сертификатлаштириш ушбу маҳсулотларни реализация қилишдан аввал амалга оширилади.

72. Кимёвий маҳсулотларнинг мазкур Техник регламент талабларига мувофиқлигини баҳолаш сертификатлаш ёки декларациялаш шаклида амалга оширилади.

Кимёвий маҳсулотларни сертификатлаштириш ишлари ариза берувчининг ташаббуси билан маҳсулотларни сертификатлаштириш органи ва ариза берувчи ўртасида тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

73. Кимёвий маҳсулотларни сертификатлаш қуйидаги сертификатлаштириш схемалари бўйича амалга оширилади:

1С схема – серияли ишлаб чиқариладиган кимёвий маҳсулотларни сертификатлаштиришда қўлланилади. Бунда ариза берувчи ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили) ҳисобланади ва сертификатланган маҳсулотларни мувофиқлик белгиси билан тамғаланишини таъминлайди;

2С схема – ишлаб чиқарувчида менежмент тизимларининг сертификати мавжуд бўлган туркум ишлаб чиқарилган кимёвий маҳсулотлар учун қўлланилади. Бунда ариза берувчи ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили) ҳисобланади ва сертификатланган маҳсулотларни мувофиқлик белгиси билан тамғаланишини таъминлайди;

3С схема – кимёвий маҳсулотлар тўпи учун қўлланилади. Бунда ариза берувчи ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили) ёки сотувчи (импорт қилувчи) ҳисобланади ва сертификатланган маҳсулотларни мувофиқлик белгиси билан (импорт қилинган маҳсулотлар ариза берувчига қулай шаклда) тамғаланишини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган кимёвий маҳсулотлар, ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили), сотувчи ёки импорт қилувчи танловига асосан божхона ҳудудига келгунга қадар ёки келгандан сўнг сертификатлаштирилади. Бунда республика ҳудудига етиб келгунга қадар расмийлаштирилган мувофиқлик сертификати “Ягона дарча” божхона ахборот тизими ва Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими импорт қилувчи томонидан жойлаштирилиши лозим.

9С схема – ягона кимёвий маҳсулотларга нисбатан қўлланилади. Мазкур схема бўйича сертификатлаштириш техник ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида амалга оширилади. Бунда ариза берувчи ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили) ёки сотувчи (импорт қилувчи) ҳисобланади.

74. Кимёвий маҳсулотларни декларациялаш қуйидаги декларациялаштириш схемалари бўйича амалга оширилади:

3Д схема – серияли ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун аккредитациядан ўтган синов лабораторияси иштирокида олинган далиллар ва ариза берувчининг ўз далиллари (агар мавжуд бўлса) асосида мувофиқликни декларациялашда қўлланилади. Бунда ариза берувчи ишлаб чиқарувчи ёки у томондан ваколат берилган юридик шахс ҳисобланади;

4Д схема – маҳсулот тўпи ёки ягона маҳсулот учун, аккредитациядан ўтган синов лабораторияси иштирокида олинган далиллар ва ариза берувчининг ўз далиллари (агар мавжуд бўлса) асосида мувофиқликни декларациялашда қўлланилади. Бунда ариза берувчи ишлаб чиқарувчи (у томондан ваколат берилган юридик шахс) ёки сотувчи (импорт қилувчи) ҳисобланади;

6Д схема – ишлаб чиқарувчи менежмент тизимларини сертификатлаштириш органи томонидан сертификатланиб, жорий этилган менежмент тизими эга бўлган серияли ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун қўлланилади. Бунда ариза берувчи ишлаб чиқарувчи ёки у томондан ваколат берилган юридик шахс ҳисобланади.

74. Кимёвий маҳсулотларнинг норматив ҳужжатлари мавжуд бўлмаса, санитария-эпидемиология хулосаси талаб этилмайдиган, шунингдек,

синовларни амалга ошириш учун аккредитациядан ўтган синов лабораториялар мавжуд бўлмаган тақдирда кимёвий маҳсулотларни сертификатлаш идентификация қилиш йўли билан ўтказилади.

75. Мувофиқлик сертификати давлат тилида, зарурат туғилганда таржимаси бошқа тилларда ҳам расмийлаштирилиши мумкин.

76. Мувофиқлик сертификати қуйидаги муддатларга берилади:
 маҳсулот тўпи - маҳсулотнинг яроқлилик ёки кафолат муддатига;
 серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулотга - уч йил муддатга расмийлаштирилади.

Мувофиқлик декларацияси:

серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун – уч йил муддатга;
 маҳсулот тўпи ёки ягона (якка) маҳсулот учун, маҳсулотнинг яроқлилик муддатига, яроқлилик муддатига эга бўлмаган маҳсулотлар учун – амал қилиш муддати кўрсатилмасдан тасдиқланади.

77. Мувофиқлик сертификати ёки мувофиқлик декларацияси (серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун) амал қилиш даврида ишлаб чиқарилган кимёвий маҳсулотлар мувофиқлиги тасдиқланган ҳисобланади ва қайта мувофиқлиги баҳоланмайди.

Кимёвий маҳсулотлар мувофиқлигини тасдиқловчи асос сифатида мувофиқлик белгиси ва маҳсулотга қўшиб юбориладиган ҳмда эксплуатация ҳужжатлардаги ишлаб чиқариш санаси хизмат қилади.

10-боб. Ўтиш даври

78. Техник регламент кучга кирган пайдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида техник тартибга солиш соҳасида амал қилувчи кимёвий маҳсулотларига талаблар белгиловчи норматив ҳужжатлар Техник регламентга мувофиқлаштирилгунга қадар Техник регламентга зид бўлмаган қисмлари бўйича амал қилади.

79. Техник регламент кучга киргунга қадар кимёвий маҳсулотлар учун берилган санитария-эпидемиологик ҳулоса ва мувофиқлик сертификатлари амал қилиш муддати тугагунга қадар ҳақиқий ҳисобланади.

11-боб. Техник регламент талабларига риоя этилиши устидан давлат назорати

80. Техник регламент талабларига амал қилиш бўйича давлат назорати Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, шунингдек, бошқа ваколатли давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширилади.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги – кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқариш объектларида атроф-

муҳит ҳолатини кузатиб бориш, атроф-муҳитнинг ифлосланишига, кимёвий маҳсулотлардан нооқилона фойдаланилишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги – тегишли республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими воситасида аварияга оид ташқи ва ички режаларнинг бажарилиши, шунингдек, тегишли республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа юридик шахсларнинг аварияга оид шайлиги ва кимёвий маҳсулотлардан фойдаланиш ва шунингдек ишлаб чиқариш объектларида ёнғин хавфсизлиги талабларини таъминлаш бўйича давлат назоратини амалга оширади;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги – кимёвий маҳсулотлар билан муомала қилувчи истеъмолчиларнинг тиббий кўрикларни ўтказиш (вазирликнинг ҳудудий бошқармалари билан келишилган ҳолда профилактик, даволаш ва бошқа тадбирларни ўтказиш) ҳамда инсон ички ва ташқи органларига таъсир этувчи омилларнинг хавф даражасини аниқлаш бўйича давлат назоратини амалга оширади;

Энергетика вазирлиги – кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқариш объектларида истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техника қоидаларига риоя қилиниши ва уларнинг техник ҳолати юзасидан назоратни амалга оширади;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси – кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқариш объектларида саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги талабларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича давлат назоратини амалга оширади;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги – техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

12-боб. Техник регламент талаблари бузилганлиги учун жавобгарлик

81. Ушбу Техник регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

**Техник регламент талаблари қўлланиладиган мажбурий тартибда
мувофиқлиги баҳоланиши лозим бўлган кимёвий маҳсулотлар
РЎЙХАТИ**

1-Жадвал

ТИФ ТН коди	Позиция номланиши
2835	Фосфинатлар (гипофосфитлар), фосфонатлар (фосфитлар) ва фосфатлар; аниқ ёки ноаниқ кимёвий таркибга эга полифосфатлар
2901	Ациклик углеводородлар
2902	Циклик углеводородлар
2903	Углеводородларнинг галлогенланган ҳосилалари
2904	Углеводородларнинг сульфурланган, нитроланган ёки нитрозирланган ҳосилалари, галогенлашган ёки галогенлашмаган
2905	Ациклик спиртлар ва уларнинг спиртлар ва уларнинг галогенланган, сульфурланган, нитроланган ёки нитрозирланган ҳосилалари
2908	Фенол ёки фенолоспиртларнинг галогенланган, сульфурланган, нитроланган ёки нитрозаланган ҳосилалари
2909	Оддий эфирлар, оддий эфирларнинг, ацеталларнинг, яримацеталларнинг ва кетонларнинг (маълум ва номаълум кимёвий таркибдаги) эфирспиртлари, эфирфеноллари, эфирспиртфеноллари, спиртларнинг пероксидлари ва уларнинг галогенланган, сульфурланган, нитроланган ёки нитрозирланган ҳосилалари
2912	Таркибида бошқа кислородли функционал гуруҳ бўлган ёки бўлмаган альдегидлар; циклик альдегид полимерлари; параформальдегид
2914	Таркибида бошқа кислородли функционал гуруҳ бўлган ёки бўлмаган кетон ва хинонлар ҳамда уларнинг галлогенланган, сульфурланган, нитроланган ёки нитрозаланган ҳосила бирикмалари
2915	Ациклик кўп карбонли тўйинган кислоталар ва уларнинг ангидрид, галлогенангидрид, пероксид ҳамда пероксикислоталари; уларнинг галлогенланган, сульфурланган, нитроланган ёки нитрозаланган ҳосила бирикмалари, қуйидагилар бундан мустасно:
2915210000	Сирка кислотаси
2916	Ациклик кўп карбонли тўйинмаган кислоталар, циклик кўп карбонли кислоталар, уларнинг ангидрид, галлоген ангидрид, пероксид ва пероксикислоталари; уларнинг галлогенланган, сульфурланган, нитроланган ёки нитрозаланган ҳосила бирикмалари

2917	Поликарбон кислоталар, уларнинг ангидрид, галлогенангидрид, пероксид ва пероксикислоталари; уларнинг галлогенланган, сульфинланган, нитроланган ёки нитрозаланган ҳосила бирикмалари
2918	Таркибида қўшимча кислородли функционал гуруҳ бўлган карбон кислоталар, уларнинг ангидрид, галлоген ангидрид, пероксид ва пероксикислоталари; уларнинг галлогенланган, сульфинланган, нитроланган ёки нитрозаланган ҳосила бирикмалари
2919	Мураккаб фосфор кислота эфирлари ва уларнинг тузлари лактофосфатларни киритган ҳолда; уларнинг галлогенланган, сульфинланган, нитроланган ёки нитрозаланган ҳосилалари
2921	Таркибида амино функционал гуруҳ бўлган бирикмалар
2922	Кислородли функционал гуруҳни ўз ичига олган аминобирикмалар
2923	Тўртламчи аммоний асослар тузлари ва гидроксидлари; кимёвий таркиби аниқ ва ноаниқ бўлган лецитин ва фосфор аминوليлипидлари ва бошқалар
2924	Таркибида карбоксамид функционал гуруҳи бўлган бирикмалар; таркибида амид функционал гуруҳи бўлган кўмир кислотаси бирикмалари;
2925	Таркибида карбоксимид функционал гуруҳ бўлган бирикмалар (сахарин ва унинг тузларини киритган ҳолда) ва имин функционал гуруҳини ўз ичига олган бирикмалар
2929	Таркибида бошқа азотли функционал гуруҳлар бўлган бирикмалар
2930	Органиксульфид бирикмалар
2931	Органо-ноорганик бирикмалар бошқалар
2932	Таркибида фақат кислород гетеро атом(лар) бўлган бирикмалар
2933	Таркибида фақат азот гетероатом(лар)и бўлган бирикмалар
2934	Аниқ ёки ноаниқ кимёвий таркибдаги нуклеин кислоталар ва уларнинг тузлари; гетероциклик бошқа бирикмалар
2939	Алкалоидлар, табиий ёки синтез қилинган; уларнинг тузлари, оддий ва мураккаб эфирлар ва бошқа ҳосила бирикмалари
3501	Казеин, казеинатлар ва казеиннинг бошқа ҳосилалари; казеин елимлари
3808	Инсектицидлар, родентицидлар, фунгицидлар, гербицидлар, пайдо бўлишга қарши воситалар ва ўсимликларнинг ўсиши учун регуляторлар, дезинфекцияловчи ва шунга ўхшаш воситалар, чакана савдо учун формаларга ёки қадокларга қадокланган ёки тайёр препаратлар ёки маҳсулотлар кўринишида тақдим этилган (масалан, олтингутурт билан ишланган ленталар, фитил ва шамлар ва чивинлардан ёпишқоқ қоғоз)

**Техник регламент талаблари қўлланиладиган тартибда декларация
қилиниши керак бўлган кимёвий маҳсулотлар
РЎЙХАТИ**

2-Жадвал

ТИФ ТН коди	Позиция номланиши
28-гурух	Ноорганик кимёвий маҳсулотлар; ноорганик ёки органик қимматбаҳо металлларнинг, нодир тупроқ металлларининг, радиоактив элементлар ёки изотопларнинг бирикмалари
I. Кимёвий элементлар	
2801	Фтор, хлор, бром и йод
2802	Чўктирилган ёки сублимацияланган олтингугурт; коллоид олтингугурт
2803	Углерод (бошқа жойда кўрсатилмаган ёки киритилмаган углероднинг курум ва бошқа шакллари)
2804	Водород, инерт газлар ва бошқа нометаллар
2805	Ишқорий ёки гидрооксидли — тупроқ металлари; аралашмалардаги ёки қотишмалардаги нодир тупроқ металлари, соф шаклдаги скандий ва иттрий; симоб
II. Ноорганик кислоталар ва ноорганик кислород билан нометаллар бирикмалари	
2806	Водород хлориди (хлорид кислотаси); хлорсульфон кислотаси
2807	Сульфат кислотаси; олеум
2808	Азот кислотаси; сульфоазотли кислоталар
2809	Дифосфор пентаоксиди; фосфор кислотаси; аниқ ёки ноаниқ кимёвий таркибга эга полифосфор кислоталари
2810	Бор оксидлари; борли кислоталар
2811	Бошқа ноорганик кислоталар ва нометалларнинг кислород билан бошқа ноорганик бирикмалари
III. Галогенлар ёки олтингугурт билан нометаллар бирикмалари	
2812	Нометалларнинг галогенли бирикмалари ва галогенли оксидлари
2813	Нометалларнинг сульфидлари; техник фосфор трисульфиди
IV. Металлларнинг ноорганик асослари, оксидлари, гидроксидлари ва пероксидлари	
2814	Сувсиз ёки сувли эритмадаги аммиак
2815	Натрий гидроксиди (каустик сода); калий гидроксиди (уювчи калий); натрий ёки калий пероксидлари
2816	Магний гидроксиди ва пероксиди; стронций ёки барий оксидлари, гидроксидлари ва пероксидлари
2817	Рух оксиди; рух пероксиди
2818	Аниқ ёки ноаниқ кимёвий таркибга эга сунъий корунд; алюминий оксиди; алюминий гидроксиди
2819	Хром оксидлари ва гидроксидлари
2820	Марганец оксидлар
2821	Темир оксидлари ва гидроксидлари; таркибида Fe_2O_3 бўйича қайта ҳисобланганда масса улуши 70 % ёки ундан ортиқ кимёвий боғланган темирни тутувчи минерал бўёқлар

2822	Кобальт оксидлари ва гидроксидлари; техник кобальт оксидлари
2823	Титан оксидлари
2824	Қўрғошин оксидлари; қўрғошинли сурик (қизил ва тўқ сарик)
2825	Гидразин ва гидросиламин ва уларнинг ноорганик тузлари; бошқа ноорганик асослар; металлларнинг бошқа оксидлари, гидроксидлари ва пероксидлари
V. Ноорганик кислоталар ва металлларнинг тузлари ва пероксоллари	
2826	Фторидлар; фторосиликатлар, фтороалюминатлар ва фторнинг бошқа мураккаб тузлари
2827	Хлоридлар, хлорид оксидлари ва хлорид гидроксидлари; бромидлар ва бромид оксидлари; йодидлар ва йодид оксидлари
2828	Гипохлоритлар; техник кальций гипохлорити; хлоритлар; гипобромитлар
2829	Хлоратлар ва перхлоратлар; броматлар ва перброматлар; йодатлар ва перйодатлар
2830	Сульфидлар; аниқ ёки ноаниқ кимёвий таркибга эга полисульфидлар
2831	Дитионитлар ва сульфоксилатлар
2832	Сульфитлар; тиосульфатлар
2833	Сульфатлар; квасцлар; пероксосульфатлар (персульфатлар)
2834	Нитритлар; нитратлар
2836	Карбонатлар; пероксокарбонатлар (перкарбонатлар); таркибида аммоний карбонати мавжуд бўлган, техник аммоний карбонати
2837	Цианидлар, цианид оксидлар, мураккаб цианидлар
2839	Силикатлар; ишқорий металлларнинг техник силикатлари
2840	Боратлар; пероксоборатлар (перборатлар)
2841	Оксометалик ёки пероксометалик кислоталарнинг тузлари
2842	Азидлардан бошқа, ноорганик кислоталарнинг ёки пероксокислоталарнинг тузлари (шу жумладан аниқ ёки ноаниқ кимёвий таркибга эга алюмосиликатлар), бошқалар
VI. Ҳар хил ноорганик маҳсулотлар	
2843	Коллоид ҳолатдаги қимматбаҳо металллар; аниқ ёки ноаниқ кимёвий таркибга эга қимматбаҳо металлларнинг органик ёки ноорганик бирикмалари; қимматбаҳо металл амальгамалари
2844	Радиоактив кимёвий элементлар ва радиоактив изотоплар (шу жумладан парчаланувчи ёки унумдор кимёвий элементлар ва изотоплар) ва уларнинг бирикмалари; таркибида ушбу маҳсулотлар бўлган аралашмалар ва қолдиқлар
2845	2844-товар позициясидаги изотоплардан бошқа изотоплар; ушбу изотопларнинг аниқ ёки ноаниқ кимёвий таркибга эга органик ёки ноорганик бирикмалари
2846	Нодир ер металлари, иттрий ёки скандий, ёки ушбу металлларнинг аралашмалари, органик ёки ноорганик бирикмалари

2847	Мочевина билан қотирилган ёки қотирилмаган водород пероксиди
2849	Карбидлар, кимёвий таркиби аниқ ёки ноаниқ
2850	2849-товар позициясига тааллуқли карбид бирикмаларидан бошқа, аниқ ёки ноаниқ кимёвий таркибга эга гидридлар, нитридлар, азидлар, силицидлар ва боридлар
2852	Амальгамалардан бошқа, симобнинг аниқ ёки ноаниқ кимёвий таркибга эга, органик ёки ноорганик бирикмалари
2853	Феррофосфордан бошқа, аниқ ёки ноаниқ кимёвий таркибга эга фосфидлар; бошқа ноорганик бирикмалар (шу жумладан, дистилланган ёки кондуктометрик сув ва шунга ўхшаш тозаликдаги сув); суюқ ҳаво (инерт газлари олиб ташланган ёки олиб ташланмаган); сиқилган ҳаво; қимматбаҳо металлларнинг амальгамаларидан бошқа амальгамалар
29-гурӯх	Органик кимёвий бирикмалар
II. Спиртлар ва уларнинг галогенланган, сульфурланган, нитроланган ёки нитрозирланган ҳосилалари	
2906	Циклик тузилишдаги спиртлар ва уларнинг галлогенланган, сульфатланган, нитратланган ёки нитрозаланган ҳосилалари
III. Феноллар, фенолоспиртлар ва уларнинг галогенланган, сульфурланган, нитроланган ёки нитрозирланган ҳосилалари	
2907	Феноллар; фенолоспиртлар
IV. Оддий эфирлар, спиртлар, оддий эфирлар, кетонларнинг пероксидлари, уч аъзоли ҳалқаси бўлган эпоксидлар, ацеталлар ва ярим ацеталлар ва уларнинг галогенланган, сульфурланган, нитроланган ёки нитрозирланган ҳосилалари	
2910	Таркибида уч бензол ҳалқа бўлган эпоксидлар, эпокси спиртлар, эпоксифеноллар ва эпоксиэфирлар ва уларнинг галлогенланган, сульфурланган, нитроланган ёки нитрозаланган ҳосила бирикмалари
2911	Таркибида бошқа кислородли функционал гуруҳ бўлган ацеталлар ва яримацеталлар ҳамда уларнинг галлогенланган, сульфурланган, нитроланган ёки нитрозаланган ҳосила бирикмалари
V. Альдегид функционал гуруҳи билан бирикмалар	
2913	2912 товар позицияси, галлогенланган, сульфурланган, нитроланган ёки нитрозаланган бирикмаларнинг ҳосила бирикмалари
VIII. Нометалларнинг ноорганик кислотларининг эфирлари, уларнинг тузлари ва уларнинг галогенланган, сульфурланган, нитроланган ёки нитрозирланган ҳосилалари	
2920	Нометалларнинг бошқа ноорганик кислоталари мураккаб эфирлари (галлогенводородлар мураккаб эфирларидан ташқари) ва уларнинг тузлари; уларнинг галлогенланган, сульфурланган, нитроланган ёки нитрозаланган ҳосилалари
IX. Азот ўз ичига олган функционал гуруҳ билан бирикмалар	
2926	Таркибида нитрил функционал гуруҳ бўлган бирикмалар
2927	Диазо-, азо- ёки азоксибирикмалар

2928	Органик гидразин ёки гидроксиламин ҳосилалари
XII. Табиий ёки синтезланган гликозидлар ва алкалоидлар, уларнинг тузлари, оддий ва мураккаб эфирлари ва бошқа ҳосилалари	
2938	Гликозидлар, табиий ёки синтез қилинган бирикмалари; уларни тузлари, оддий ва мураккаб эфирлари ва бошқа ҳосила бирикмалар
XII. Бошқа органик бирикмалар	
2942	Органик бирикмалар бошқалар

Кимёвий маҳсулотлар хавфсизлиги тўғрисидаги
техник регламентга
2-илова

**Кимёвий маҳсулотлар таркибидаги хавфли кимёвий моддалар
миқдорининг рухсат этилган оғиш
МЕЪЁРЛАРИ**

Кимёвий маҳсулотлар таркибидаги хавфли моддаларнинг бошланғич миқдори (C), %	Йўл қўйилган оғиши, %
$C \leq 2,5$	± 30
$2,5 < C \leq 10$	± 20
$10 < C \leq 25$	± 10
$25 < C \leq 100$	± 5

Кимёвий маҳсулотлар хавфсизлиги тўғрисидаги
техник регламентга
3-илова

**Кимёвий моддаларни қўллашда чекланган кимёвий маҳсулот
таркибидаги чегаравий
МИҚДОРИ**

Кимёвий моддаларнинг турлари ва хавфлилиқ синфлари	Концентрацияси (С), % (масс.)
Канцероген (1 ва 2-синфлар)	0,1
Мутаген (1-синф)	0,1
Мутаген (2-синф)	1
Репродуктив функцияга (1 ва 2-синфлар)	0,1
Сув муҳити учун сурункали токсиклиги (1-синф)	1

Кимёвий маҳсулотлар хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламентни
жорий этиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги	Сертификатлаштириш органи ва синов лабораториясига Муомалага чиқарилаётган кимёвий маҳсулотлар хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламент (кейинги ўринларда — Техник регламент) етказилишини таъминлайди.	Уч иш куни мобайнида
2-босқич	Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, «Ўзкимёсаноат» АЖ	1. Кимёвий маҳсулотларини стандартлаштириш бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги амалдаги норматив ҳужжатлар рўйхатини тузади ва хатловдан ўтказди. 2. Техник регламент талабларига риоя этилишини таъминлайдиган ҳамда техника воситаларининг мувофиқлигини баҳолаш учун зарур бўлган намуналар олиш, синаш ва ўлчаш усуллариини белгилайдиган стандартлар рўйхатини тасдиқлайди.	1. Уч ой муддатда 2. Бир ой муддатда

3-босқич	Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги	Кимёвий маҳсулотларнинг Техник регламент талабларига мувофиқлиги бўйича синовлардан ўтказиш учун синов лабораторияларининг аккредитация соҳасини кенгайтириш бўйича чораларни кўради.	Техник регламент кучга киритилгунга қадар
4-босқич	Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, «Ўзкимёсаноат» АЖ Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси	Мазкур Техник регламентнинг мақсади, мазмунини ва уни қўллаш тартибини тўғрисида аҳоли, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда тадбиркорлик субъектларини кенг хабардор қилишни ташкил этади.	жадвалга мувофиқ
5-босқич	Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, «Ўзкимёсаноат» АЖ	Мазкур Техник регламент талабларига риоя этилиши бўйича давлат назоратини амалга оширади.	Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда